

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил 11 август куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, ўз биносида ҳамда Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган “Фарҳод” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья: Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Исхаковнинг котиблигида, тарафлардан – давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Ш.Рихсиевнинг иштирокида, ХХХХга оид 1-1007-2102/265 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**ХХХХ**, 1977 йил 2 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тўлиқсиз ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, шундан бир нафари вояга етмаган, якка тартибдаги тадбиркор, вақтинча ишсиз, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2016 йил 3 мартдаги ажримига кўра унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугалланган, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган;

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

ХХХХ 2021 йил 20 май куни соат 19:30 ларда Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБ ва Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори-2021” тадбири давомида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Журжоний” кўчаси 3а-уйни олдида тўхтатилиб, холислар иштирокида текширилган вақтида, эгнида бўлган кўк рангли шимини ўнг чўнтагидан шаффоф



полиэтилен пакет бўлагига ўралган, қорамтир рангли, ўткир хидли модда, шунингдек бошқарувидаги "Матиз" русумли, давлат рақами 01 X 359 LB бўлган автомашинанинг олди чап ва ўнг ўриндиқлари орасидаги бар ичидан шаффоф полиэтилен пакет бўлагига ўралган, ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётган моддалар топилиб, ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

2021 йил 21 майдаги 2/446-сонли суд-кимёвий экспертизаси, XXXXдан олинган иккита целлофан ўрамдаги моддалар (объектлар №1,2) таркибида фаол гиёҳванд модда, тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу моддалар (объектлар №1,2) "гашиш" деб аталиши ва умумий оғирлиги 2,46 граммга тенглиги ҳақида хулоса берган.

Судланувчи XXXX суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2018 йилдан буён гоҳида сигарета махоркасига аралаштириб "гашиш" гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан истеъмол қилиб келишини, 2020 йил охирларида ўз ишлари билан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бўз-сув" канали томонга бориб, анҳор бўйида ёввойи ҳолда ўсиб турган турли хилдаги ўсимликлар орасида "наша" гиёҳвандлик ўсимлиги ҳам ўсиб турганлигини кўриб қолиб, атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ёввойи ҳолда ўсиб турган "наша" ўсимлиги барглари ва юқори қисмлардаги шираларини ўнг ва чап қўл кафтлари билан ишқалаб, йиғиштириб чиқиб, "гашиш" гиёҳвандлик воситасини думалоқ шаклга келтириб, қора рангли полиэтилен пакетга ўраб, истеъмоли учун олиб қўйганини, бир қисмини чекиш йўли билан истеъмол қилиб, 2021 йил 20 май куни қолган қисмини бошқарувидаги "Матиз" русумли, давлат рақами 01 X 359 LB бўлган машинасига солиб, яна бир қисмини чекиш учун чўнтагига солиб, Учтепа тумани, "Журжоний" кўчаси За-уйни олдида бўлган вақтида, уни олдига ИИО ходимлари келиб, ўзларини таништириб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини сўраганларида, у ўзини оғзаки тарзда таништириб, ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқлигини маълум қилганини, шунда ички ишлар органи ходимлари ўша атрофдан ўтиб кетаётган икки нафар нотаниш фуқарони холис сифатида таклиф қилиб, улар иштирокида ундан ёнида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлиги ҳақида сўраганларида, у ёнида ҳеч қандай ноқонуний нарсалари йўқлигини маълум қилганини, шундан сўнг ички ишлар органи ходимлари уни эгнидаги кийимларини текшириб, эгнида бўлган кўк рангли шимини ўнг чўнтагидан шаффоф полиэтилен пакет бўлагига ўралган "гашиш" гиёҳвандлик моддасини, шунингдек бошқарувидаги "Матиз" русумли, давлат рақами 01 X 359 LB бўлган автомашинанинг олди чап ва ўнг ўриндиқлари орасидаги бар ичидан шаффоф полиэтилен пакет бўлагига ўралган "гашиш" гиёҳвандлик моддасини топганларини, ИИО ходимлари ундан бу моддалар қандай модда эканлиги ва кимга тегишли эканлиги ҳақида



сўраганларида, у ички ишлар органи ходимларига бу моддалар “гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлигини, бу моддаларни Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Бўз-сув” канали олдида, ёввойи ҳолда ўсиб турган жойидан олиб, ўзининг истеъмоли учун сақлаб юрганлигини маълум қилганини, шундан сўнг ундан топилган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида баённома асосида олиниб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб етганини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир этмаслигини, гиёҳвандлик воситаларини ҳеч кимга сотмаганини ва сотиш нияти ҳам бўлмаганини, фақатгина ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлигини, уни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келишидан оила аъзоларини ва танишларини хабари бўлмаганлигини билдириб, уни оилавий шароитини ва моддий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи ХХХХнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, гувоҳ Шодмонов Мурод Мансурович суд мажлисида, у Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида хизмат қилиб келишини, 2021 йил 20 май куни ҳамкасблари билан бирга Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳудудида ўз хизмат вазифаларини ўтаб турган вақтларида, кейинчалик исми-шарифи маълум бўлган ХХХХ ўзини шубҳали тутганлиги сабабли тўхтатилиб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини сўраганларида, ХХХХ ўзини оғзаки тарзда таништириб, ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқлигини маълум қилганини, шунда улар ўша атрофдан ўтиб кетаётган икки нафар фуқарони холис сифатида таклиф қилиб, холисларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда, улар иштирокида ХХХХдан ёнида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлиги ҳақида сўраганларида, ХХХХ ёнида ҳеч қандай ноқонуний нарсалари йўқлигини айтганини, шундан сўнг улар ХХХХни эғнидаги кийимларини текшириб, эғнида бўлган кўк рангли шимини ўнг чўнтагидан шаффоф полиэтилен пакет бўлагига ўралган қорамтир рангли ўткир ҳидли модда топилганини, шунингдек ХХХХнинг бошқарувидаги "Матиз" русумли, давлат рақами 01 X 359 LB бўлган автомашина ҳам холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, автомашинани олди чап ва ўнг ўриндиқлари орасидаги бар ичидан шаффоф полиэтилен пакет бўлагига ўралган қорамтир рангли, ўткир ҳидли моддалар топилганини, улар ХХХХдан бу моддалар қандай модда эканлиги ва кимга тегишли эканлиги ҳақида сўраганларида, ХХХХ уларга бу моддалар “гашиш” гиёҳвандлик моддаси эканлигини,



бу моддаларни Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Бўз-сув” канали олдида, ёввойи ҳолда ўсиб турган жойидан юлиб олиб, ўзининг истеъмоли учун сақлаб юрганлигини маълум қилганини, шундан сўнг XXXXдан топилган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида баённома асосида олиниб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганини билдириб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи XXXXнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ЖҚБ тезкор вакилининг билдиргиси, далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённома, 2021 йил 21 майдаги 2/446-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, гиёҳвандлик воситаларини топшириш тўғрисидаги квитанция, кўздан кечириш баённомаси, квитанция нусхаси, наркология диспансерининг 484-сонли далолатномаси, гумон қилинувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, тушунтириш хатлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXXнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг, ўтказиш мақсадини кўзламай, 2,46 граммни ташкил қилган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаганлик ҳолатидаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди, “Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, кўп миқдорда, қонунга хилоф равишда сақлаш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг



сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида амалий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи ХХХХга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, ХХХХнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, ушбу тавсифномага кўра хулқи намунали эканлигини, оиласи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила эканлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, ХХХХни шахсини, ундан олинган гиёҳвандлик моддасини турини ва миқдорини инobatга олган ҳолда, ХХХХнинг хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ушбу модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.



Шунингдек суд, Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2021 йил 24 майдаги 484-сонли далолатномасига асосан XXXX гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, иш юзасидан ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини экспертиза ўтказиш вақтидаги тадқиқот жараёнида сарфланганидан қолган қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Хўжалик бошқармасида 00461-сонли квитанция асосида сақланаётган 2,44 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

**XXXX (Xalikov Abdusalil Xalilovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан **3 (уч)** йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

XXXXга озодликни чеклаш жазосини Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Жамшид” 1-тор кўчаси 22-уйда соат 21:00дан 07:00га қадар ўташ белгилансин.

XXXXнинг озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш XXXXнинг яшаш жойидаги Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБга юклатилсин.

XXXXнинг зиммасига ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойи ва (ёки) иш жойини ўзгартирмаслик;

-Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-алкоголли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

XXXXга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 481-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.



XXXXга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини экспертиза ўтказиш вақтидаги тадқиқот жараёнида сарфланганидан қолган қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Хўжалик бошқармасида 00461-сонли квитанция асосида сақланаётган 2,44 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси – ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**Б.Каримов**

**Ҳукм аслига тўғри.**

